O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
29 OKTABR
SESHANBA
№ 133 (26.992)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

Қашқадарё вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Сизларни мамлакатимизда энг кўп — 420 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини биринчилар қаторида адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилда қўлга киритилган бу меҳнат ғалабаси замирида, аввало, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси, сиз, азиз қашқадарёлик пахтакорларнинг фидокорона меҳнати, изланиш ва ташаббускорлик фазилатлари мужассам.

Мен сизларни эришган мана шу катта ютуғингиз билан қутлар эканман, ҳаётимнинг унутилмас бир даври Қашқадарё билан, сиздек олижаноб, меҳнаткаш ва ориятли инсонлар билан боғланганини яна бир бор фахр-ифтихор билан эслайман.

Соҳибқирон Амир Темурдек буюк зотларни дунёга келтирган бу муқаддас заминда ўз куч-қудратига ишонган, иродаси тоғ қояларидек мустаҳкам одамлар билан елкама-елка ишлаб, улар билан нон-тузни баҳам кўрган кунларим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Шу боис комил ишонч билан айта оламанки, бундай мард ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, юксак марраларга эришиш мумкин. Фақат бу элнинг азалий табиати, ўзига хос хусусиятларини билиш, англаш ва ҳурмат қилиш керак.

Бу халқнинг қалбига йўл топиш, у билан ҳамнафас бўлиб, тенг бўлиб, унга суяниб яшаш, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар қандай раҳбар учун улкан бахт, десам асло хато бўлмайди.

Мен беқиёс салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Қашқадарё аҳлининг бунёдкорлик қудратини беҳад қадрлайман, ўзимни сиз, азизлар билан ҳамиша бирга, деб ҳис этаман.

Барчангизни бугунги зафарингиз билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга қут-барака тилайман.

Қўлларингиз асло дард кўрмасин, доимо омадингизни берсин, қадрдонларим.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНГРИЯГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни расмий ташриф билан Венгрия Республикасига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Венгрияга жўнаш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Охирги бир-икки ой ичида Ўзбекистоннинг ташқи алоқа жуғрофиясига назар ташлайдиган бўлсак, даставвал Литвага сафар уюштирилди, — деди Ислом Каримов. — Сўнгра Польша Президенти мамлакатимизга келиб кетди. Бу давлатлар билан ўзаро манфаатли, хусусан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Венгрия ҳам, Польша ва Литва каби, Европа минтақасида ўз ўрнига, ўз нуфузига эга мамлакат. Бу уч давлат ҳам яқин келажакда Европа Иттифоқига қабул қилинади. Демак, Венгрия билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантирсак, Европа ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш ва Европа бозорига кириб боришимиз янада осонлашади.

Венгриянинг саноат, иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида эришаётган ютуқлари катта. Ташрифимиз чоғида унинг қишлоқ хўжалиги борасида эришаётган ютуқлари билан ҳам батафсилроқ танишиш ва шу соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш ниятидамиз.

Президент Ислом Каримов Москвада юз берган террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

— Москвада террорчиларнинг тинч аҳолини гаровга олиши нафақат Россия халқини, балки бутун жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солди, — деди Президент Ислом Каримов. — Зеро, бу воқеа халқаро тероризм XXI асрда жаҳон ҳамжамияти биргаликда ҳал этиши зарур бўлган энг долзарб муаммо эканини яна бир бор намоён этди. Бу иллатни халқаро ҳамжамият биргаликда бартараф қилмас экан, ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқнинг хавфсизлиги кафолатланган, деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, баъзи бир давлатлар раҳбарларининг ўз мамлакатидаги тинчликдан хотиржамликка берилиб, бошқа жойларда юз бераётган террорчилик хуружларига бефарқ муносабатда бўлаётганини тушуниш қийин. Тероризм умуминсоний муаммодир. Шундай экан, Россиянинг тинчлиги бизнинг ҳам тинчлигимиздир.

Президент Владимир Путин Россия халқига қилган мурожаатида Москвада юз берган аянчли воқеа россияликларни янада жипслаштирди, деди. Мен шу гапга қўшимча қилиб, бу воқеа нафақат россияликларни, балки гаровга олинганларга ҳамдардлик билдирган барча тинчликсевар халқларни жипслаштирди, деган бўлардим. Чунки, бегуноҳ одамларни гаровга олишни ва уларнинг ҳаётини хавф остига қўйишни асло оқлаб бўлмайди.

Демак, бутун дунё тинчликсевар халқи террорчиликка қарши биргаликда курашмоғи, доимо ҳушёр ва сергак бўлмоғи керак.

БУДАПЕШТДАГИ УЧРАШУВЛАР

28 октябрь. Будапешт. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Венгрия парламентининг ҳашаматли биноси олдидаги «Кошута» майдонида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Президент Ислом Каримов ҳамда Венгрия раҳбари Ференц Мадлнинг яккама-якка учрашувида икки ва кўп томонлама муносабатлар, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама қилинди. Халқаро миқёсдаги масалаларга Ўзбекистон ва Венгриянинг муносабатлари уйғунлиги таъкидланди. Евроатлантик ҳамда Марказий Осиё минтақаларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Президентлар БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида ҳамжиҳат ҳаракатларни янада фаоллаштиришга келишиб олди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжудлиги таъкидланди. Бунинг учун икки мамлакатнинг имконияти ва салоҳиятини тўлароқ ишга солиш зарур. Хусусан, фақат саноат эмас, балки қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлиги таъкидланди. Президентлар икки мамлакат ишбилармон доираларининг бевосита мулоқотларини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган музокараларида ушбу масалаларнинг муҳокамаси давом эттирилди. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, техноген ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликка тайёрлик билдирилди.

Музокаралар сўнггида Президентларнинг ташриф якунлари бўйича қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида автомобилларда халқаро юк ва йўловчи ташиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов Будапештдаги «Қаҳрамонлар майдони»га бориб, ёдгорлик мажмуига гул қўйди.

Парламент раиси Каталин Сили билан учрашувда Ўзбекистон билан Венгрия муносабатларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, парламентлараро муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи давом этмоқда.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: учрашув пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«ПАХТА — 2002»

РЕЖА БАЖАРИЛДИ, ТЕРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Катта карвонлардан бири манзилга етди — 420 минг тонна Қашқадарё пахтаси мамлакат хирмонига тўкилди

Очиғи, воҳа пахтакорлари бу улкан ютуқни ҳукуматимиз ва шахсан Юртбошимизнинг қашқадарёликларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаши ва доимий ғамхўрлиги самараси, деб баҳолашмоқда.

— Президентимизнинг айни терим қизғин паллада ҳам вилоятимизга ташриф буюрганлари, натижалар ва одамларнинг турмуш тарзи билан қизиққанлари, қимматли маслаҳатлар берганликлари руҳимизни кўтарди, — дейди Қарши туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулло Хайруллаев. — Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам пешқадамликни қўлдан бермадик — мамлакат хирмонига 45 минг тонна юқори сифатли пахта тўкдик. Агар бу йил туман бўйича ялпи даромад 7,2 миллиард сўмга етадиган бўлса, унинг 2,4 миллиард сўми пахтачиликдан келади...

— Гап даромадга тақаладиган бўлса, — дейди У. Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Саидов, — бу кўрсаткич жорий йилда бизда 1,6 миллиард сўмдан ошади. Пайчиларимиз катта улуш олишаяпти. Ишлаб топилган маблағнинг асосий қисмини ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфлашни кўзлаяпмиз...

(Давоми 2-бетда)

Россия Федерацияси Президенти В.В. Путин Жаноби Олийларига

Муҳтарам Владимир Владимирович,

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур қайғу билан қабул қилинди.

Бу мудҳиш жиноят бугун дунёда террорчилик таҳдидининг нечоғлик жиддий эканини яна бир карра таъкидлайди ва жаҳон ҳамжамиятини ҳушёрликка ҳамда бу ёвузликка қарши курашни кучайтиришга даъват этади.

Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номимдан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этаман.

Эҳтиром ила

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНОСАБАТ

БЕТЛАРИ ҚОРА БЎЛСИН!

Дилфуза ҚОДИРҚУЛОВА, уй бекаси

— Москвадаги шум хабардан юрагим ларзага келди. Боиси, мендек икки фарзанд онаси учун бу воқеа бир жудоликни эслатди. Энг яқин инсон — онам ўрнида оналик қилган Бибисора холажоним Тошкентда террорчилар ёвузлиги қурбони бўлганлар. Улар кўп йиллар давомида Тошкент марказий универсал магазинида ишлаганлар. Эсимда, улар гўё 1999 йилнинг 16 февраль фожиасини сезгандек, менга кўп насиҳат берганлар. Инсон бахтли бўлиши учун нималар қилиши лозимлиги ҳақида 15 февраль куни қизиқ гапларни айтдилар. Эртасига эса ишга бораётиб, Мустақиллик майдони ёнида юз берган портлашдан нобуд бўлдилар.

Шунинг учун ҳам террор ва террорчилар деганда ўша кунни эслайман. Нафратим қўзғаб кетади. Москвада юз берган воқеани телевидение орқали билиб, яна холамни эладим. Бу дунёда нияти бузуқнинг бетлари қора бўлсин! Мен уларни даҳрийлар дегим келади.

Одамга ҳаёт бир марта берилади. Уни қадрламаган худога ҳам ёқмайди. Илоҳим, бундай газандалар ниятларига етмасинлар.

ИНСОН

Биринг юлдузларни кўзлайсан Инсон,
Биринг мангуликка битасан достон.
Биринг тор кўчага номим қўяй деб,
Елиб-югурасан, эрта-кеч сарсон.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил 14 октябрь

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўтган шанба тонгида Москвадаги Театрлар марказида бир гуруҳ террорчилар томонидан гаровда ушлаб турилган одамларни қутқариш бўйича операция амалга оширилди. Операция давомида 37 террорчи ўлдирилди, 2 жангари, жумладан, бир аёл тириклайин қўлга олинган. Россия ички ишлар вазирининг ўринбосари Владимир Васильевнинг сўзларига кўра, операция чоғида 750 дан ортиқ кишини қутқаришга муваффақ бўлинган. Болалар орасида қурбонлар йўқ. Операция Россия Федерал хавфсизлик кучлари махсус бўлимининг «Альфа» отряди жангчилари томонидан ўтказилган. Маълумотларга қараганда, бу террорчилик ҳаракати оқибатида 117 киши ўлган. Шулардан 63 нафари эркак, 54 нафари аёл. Улардан 51 нафарининг шахси аниқланган.

Террорчилик ҳаракатларидан ларзага келган Москва тинч ҳаётга қайтмоқда. Дубровкадаги транспорт ҳаракати яна изга тушган. Фавқулодда ҳолат зонасидаги уйлардан вақтинча кўчирилганлар ўз хонадонларига қайтмоқда.

Театрлар марказидаги «Норд-Ост» томошасининг ташкилотчилари унинг давом эттирилишини маълум қилишди. Ҳозир унинг қаерда кўрсатилиши масаласи ҳал этилмоқда. Томошанинг тижорат директори Дмитрий Богачевнинг таъкидлашича, муаммо моддий эмас, балки руҳий характердадир. Зеро, артистларнинг кўпчилиги ана шу фожианинг қатнашчилари бўлишган. Москва маъмурлари бинони таъмирлашда ёрдам кўрсатилишини ваъда қилишган. 19 октябрда ўзининг бир йиллигини нишонлаган «Норд-Ост» томошаси ҳар куни кўрсатилаётганди.

Террорчилик ҳаракатлари муносабати билан жорий қилинган кучайтирилган хавфсизлик чоралари ички ишлар вазирининг алоҳида фармойишига қадар амалда бўлади. Москва ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Владимир Пронининг сўзларига кўра, шаҳарга кириш жойларида автомашиналарни кўздан кечириш, кўчаларда ва метрога киришда фуқароларнинг ҳужжатларини текшириш давом эттирилаверади. Одамлар гавжум жойлар ва шаҳар ҳаёти учун стратегик аҳамиятга молик иншоотлар алоҳида муҳофазага олинади.

Маълумотларга кўра, Москва шифохоналаридан 239 киши чиққан. Ҳозир шифохоналарда 405 кишига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИК ВА ҒАМХЎРЛИКДА ЯНГИ УФҚЛАР

20 октябрь куни Польша Республикаси Президенти Александер Квасневскийнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бўлди. Польшалик олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга бу ташрифи, таъбир жоиз бўлса, тарихий ташриф бўлиб, у икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 10 йиллиги санасига тўғри келди. Мулоқотлар чоғида шу ўн йил ичида савдо-иқтисодиёт, ҳарбий-техникавий, ижтимоий-маданий соҳаларда эришилган ҳамкорлик самаралари таҳлил этилди ва келгусида биргаликда амалга оширилиши зарур бўлган истиқлол режалари белгилаб олинди. Жумладан, «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-анжуманида Президентимиз Ўзбекистон билан Польша кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш шароитларига эга бўла туриб, давлатлар ўртасидаги товар айланмаси бугунги кунда 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил этаётганлиги иккала томонни ҳам қониқтирмаслигини айтди. Юртбошимиз польшалик тадбиркорлар диққатини Ўзбекистондаги осойишта турмуш тарзи ва барқарор ривожланаётган иқтисодиётга қаратиб, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, йўл ва кўприклар қурилиши, транспорт ва коммуникация, туризм ва ўзаро борди-келдилар соҳасида фаолроқ ҳаракат қилиш имкониятлари борлигини кўрсатиб ўтди.

Дарвоқе, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, минтақамизда яшаб ўтган аждодларимиз Польша билан азалий савдо-сотиқ алоқаларига эга бўлишган. Масалан, қадимда Темурийлар давлати ишбилармонлари поляк савдогарлари билан товар-мол алмашишни йўлга қўйганлар. Бу дегани, ҳамкорлигимиз илдизлари узоқ-узоқларга бориб тақалади ва пойдевори ҳам жуда мустаҳкам.

Польшанинг Ўзбекистондан кўп йиллардан буён пахта хомашёси олиши, бироқ, у тўғридан-тўғри эмас, учинчи-тўртинчи «қўл»лар орқали олинаётгани ҳаммага аён. Эндиликда нафақат пахта хомашёси, балки нефть, газ, рангли металлар заҳираларига жуда бой бўлган мамлакатимизда хорижий, чунончи, польшалик сармоядорлар учун барча қулайликлар мавжудлиги ўзаро музокараларда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, тўқимачилик, қурилиш, гидромуҳандислик ва мебель саноати маҳсулотлари айирбошланиши ҳам мамлакатлар халқ хўжалиги тараққиётига катта фойда келтириши ҳақида атрофлича сўз борди.

Юртбошимизнинг 1995 йилда Польшага буюрган расмий ташрифи чоғида билдирган хорижий сармоядорлар фаолиятига яратилган шарт-шароитлар эндиликда янада кенг кўламда тус олгани меҳмонларда мамнуният уйғотди. Улар келгусида юртимизга қўшни бўлган бошқа мамлакатлар бозорига ҳам кириб бориш йўлида Амударё портидан фойдаланиш, Афғонистонни тиклаш ишларида қатнашиш, Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида фаолроқ иштирок этиш, Тошкент — Варшава ҳаво қатновини йўлга қўйиш (кейинчалик транзит ҳисобига бу алоқани янада кенгайтириш) истагида эканликларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда)

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИК ВА ҒАМХЎРЛИКДА ЯНГИ УФҚЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухтасар қилиб айтганда, бўлиб ўтган мулоқотлар — кўрилган масалалар ечими ва мўлжалланган режаларнинг амалий ижросида томонлар ҳамфикр, ҳаммаслак эканликларини кўрсатди.

Республикамиз Президентининг **«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»**ги Фармони ўз моҳият эътибори билан ўтган ҳафтамизнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Фармонни ўқиган ҳар бир инсон хаёлида ўша кезларда беихтиёр Юртбошимизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»** деган сўзлари жонланган бўлса, ажабмас.

Ҳа, болалари қадрланган юрт, шаксиз, ўзи ҳам қадрли бўлади. Шу маънода, мазкур Фармонни **тарихий ҳужжат** десак, арзигуликдир. Негаки, у бугун, эрта-индин, қолаверса, бундан юз йиллар кейин ҳам ўз самарасини бераверади. У — фарзандларимизни келажакка элтувчи чироқлар ёнига қўшилган бамисли янги бир чироқ. Чунки, Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик машҳур қилолмайди».**

Шу боиски, спорт Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. У — баркамол инсонни тарбиялаш ва миллий генофондни соғломлаштириш воситасига, ёшларимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Фармондан кўзланган мақсад ва унинг моҳияти кўламини англаш учун унда асосий вазифалар қилиб белгиланган бандларнинг мана бу қисмига эътибор қилинг: **«болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш...»**

Мазкур жамғарма ана шундай эзгу тилаклар йўлида ташкил этилди.

Демак, биз болаларимизда спортга меҳр уйғотиб, уларни Ватанга эътиқодли ва мардлик руҳида тарбиялаб борсак — бу, миллатнинг мардлиги, миллатнинг эътиқоди ҳамдир. Фармондан кутилган асл мақсад ҳам шу!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ИМКОН ВА ИЗЛАНИШ

ёхуд Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий саноатининг тараққиёт одимлари

Сув тақчиллиги, қурғоқчиликлар, об-ҳавонинг ноқулай келиши ва экологик қийин шароитга қарамай Оролбўйи халқлари астойдил меҳнат қилиб, мавжуд муаммолар ечимини топиш йўлида муттасил изланмоқдалар. Республикада қишлоқ хўжалиги билан бирга саноат соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, республикада маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот чиқарадиган қатор янги корхоналарнинг ишга туширилгани фикримизнинг далили.



Ҳозир маҳаллий саноат акциядорлик компаниясининг ишлаб чиқариш мажмуаси таркибида 11 та ҳиссадорлик жамияти ва бешта хусусий фирма фаолият кўрсатмоқда.

— Қорақалпоғистон маҳаллий саноатидаги таркибий ўзгаришларни мен, аввало, истиқлол шарофати деб биламан, — дейди компания раиси Боғибек Отажонов. — Дастлаб, 1993 йили худуддаги корхоналар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ҳиссадорлар билан бамаслаҳат ҳар бир корхона ҳузурида кичик цехлар очиб, эътиборни янги иш ўринлари вужудга келтиришга қаратдик. Аввалига йилига 150-200 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, кейин бу миқдорни миллиардга етказиш йўлини изладик... «Маман», «Ўтов», «Жаҳон» ҳиссадорлик жамиятларида олиб борилаётган ишлардан кўнглимиз тўқ. Айтайлик, Чимбойдаги «Ўтов» жамияти бир вақтлар ота-боболаримизга бошпана, чўпончўлиқлар учун манзилгоҳ бўлган ўтовларга замонавий шакл-шамойил беришга интиляпти. Қизиғи шундаки, Марказий Осиё шароитида ҳозир бундай ўтовларга талаб катта. Боиси, дашт ва яйловларда у чорвадорлар учун жуда қулай бошпана. Ҳозир жамиятда мактаблар ва боғчалар учун парталар, столстуллар, хонтахталар, эшикромлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

«Халқобод» хусусий фермасида хўжалик пахтасини қайта ишлашга мўлжалланган цех самарали фаолият кўрсатмоқда. Нукусдаги «Маман» ҳиссадорлик жамиятида жун ювиш, ип йигириш цехлари мавжуд. Қўнғиротдаги «Мадина» жамиятининг тўртта кичик корхоналар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни кўтариш ва аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган галдаги вазифаларни белгиларкан: **«...саноат тармоқларини ривожлантириш учун чет эл сармоядорларини жалб этган ҳолда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган янги-янги кўшма корхоналар ташкил этишга киришиш вакти етди»,** деган эдилар. Ҳозир минтақа маҳаллий саноатида қатор ижобий ўзгаришлар кўринмоқда. Компания тайёр маҳсулотларни сотиш учун Россия шаҳарларида савдо уйлари очишга киришди. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида эса шундай савдо уйи фойдаланишга тахт. Экспорт имконияти 150 миллион сўмга етган компания 2001-2005 йилларда «Хўжайли-Сўғдиёна», «Элнур» хиссадорлик жамиятларида «Вата» цехларининг ускуналарини янгилаш билан бирга маҳсулот сифатини оширишга катта эътибор бераяпти. «Маман» жамиятида тайёрланаётган турли ҳажмдаги совға гиламлари ва полослар кўпчиликка маъқул. Цехларда гипс тайёрлаш, том устига ёпиладиган черепица ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Тўрткўлдаги «Мададкор» жамиятида қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар тайёрланаётгани кўпчиликнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Шунингдек, бу ерда россиялик ҳамкорлар билан мотороллер ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очиш ишлари бошлаб юборилди. Алоқа, телеком ва коммунал хўжаликлар буюртмаси бўйича қуйма чўян қопқоқлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Компания жамоасининг бирдан-бир нияти — яқин йилларда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 1,2-1,5 миллиард сўмга етказиб, маҳсулот турларини ҳам, сифатини ҳам ошириш.дир. Шу мақсадда Россиянинг Оренбург шаҳридаги фабрика билан ҳамкорликда кигиз этиклар ишлаб чиқариш, Борский фабрикаси билан баҳамжиҳат жун ювиш цехлари очилмоқда. Москвадаги «Горизонт» ҳиссадорлик жамияти билан келишган ҳолда Воскресенск бирорта ҳам эътироз йўқ.

Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида эртанги кун билан боғлиқ устувор йўналишлар ҳақида фикр юритиб, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни кўтариш ва аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган галдаги вазифаларни белгиларкан: **«...саноат тармоқларини ривожлантириш учун чет эл сармоядорларини жалб этган ҳолда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган янги-янги кўшма корхоналар ташкил этишга киришиш вакти етди»,** деган эдилар. Ҳозир минтақа маҳаллий саноатида қатор ижобий ўзгаришлар кўринмоқда. Компания тайёр маҳсулотларни сотиш учун Россия шаҳарларида савдо уйлари очишга киришди. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида эса шундай савдо уйи фойдаланишга тахт. Экспорт имконияти 150 миллион сўмга етган компания 2001-2005 йилларда «Хўжайли-Сўғдиёна», «Элнур» хиссадорлик жамиятларида «Вата» цехларининг ускуналарини янгилаш билан бирга маҳсулот сифатини оширишга катта эътибор бераяпти. «Маман» жамиятида тайёрланаётган турли ҳажмдаги совға гиламлари ва полослар кўпчиликка маъқул. Цехларда гипс тайёрлаш, том устига ёпиладиган черепица ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Тўрткўлдаги «Мададкор» жамиятида қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар тайёрланаётгани кўпчиликнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Шунингдек, бу ерда россиялик ҳамкорлар билан мотороллер ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очиш ишлари бошлаб юборилди. Алоқа, телеком ва коммунал хўжаликлар буюртмаси бўйича қуйма чўян қопқоқлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Компания жамоасининг бирдан-бир нияти — яқин йилларда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 1,2-1,5 миллиард сўмга етказиб, маҳсулот турларини ҳам, сифатини ҳам ошириш.дир. Шу мақсадда Россиянинг Оренбург шаҳридаги фабрика билан ҳамкорликда кигиз этиклар ишлаб чиқариш, Борский фабрикаси билан баҳамжиҳат жун ювиш цехлари очилмоқда. Москвадаги «Горизонт» ҳиссадорлик жамияти билан келишган ҳолда Воскресенск шаҳрида «Фетр» фирмаси билан ҳамкорликда жун кигизлар ишлаб чиқариш тайёргарлиги кўрилмоқда. Уларда Германияда тайёрланган асбоб-ускуналардан фойдаланилади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда: республика маҳаллий саноати корхоналаридан лавҳалар.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар

МУНОСАБАТ

БАҲС МУҚОБИЛ ФИКРЛАР БИЛАН ҚАДРЛАНАДИ

Ҳар бир сиёсий партия жамиятда нуфузли мақомга эришишга ҳаракат қилар экан, албатта, демократик парламентаризм асосида фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳисса қўшиши жараёнида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин. Бу табиий ҳол бўлиши билан бир қаторда, республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг даъватига муносиб жавоб ҳам, деб билар эдим. Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида жамиятни янада демократлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ўстиришда сиёсий партияларни ҳозирги мўрт ҳолатидан чиқариб, уларнинг фаолиятини жонлантириш зарурлигини уқтирган эди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Ўзбекистон овози» газетасида жорий йилнинг 17 сентябрида эълон қилинган «Фаровонлик калити» сарлавҳали мусоҳабасида давлатимиз раҳбарининг мавжуд сиёсий партиялар ҳолатига берган баҳоси, шу жумладан, улар ҳақидаги беғараз танқидни эътироф этган ҳолда, унинг даъватига жавобан нималар қилиш лозимлиги хусусида фикр юритади. Жумладан, интервьюда мамлакатимизда бошланаётган парламент ислоҳотини ўтказишда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти, бўлажак икки палатали парламентдан муносиб ўрин олиш учун сиёсий рақобатнинг кучайиши, демократик парламентаризмни шакллантиришда жаҳон илғор тажрибасидан фойдаланиш каби барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, қолаверса, кенг жамоатчиликни қизиқтираётган долзарб масалаларга эътибор қаратилган.

Албатта, ҳурфикрлилик қарор топаётган мамлакатимизда ушбу ёхуд интервьюда кўтарилган бошқа муаммолар ҳақида ўзгача фикрлар, қарашлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, «Адолат» газетасининг шу йил 4 октябрь сонида босилган «Ҳақиқат баҳсларда туғилади», деб номланган мақола очиғи, мени таажжубга солди. Негаки, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Т. Тошев ва шу партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Н.Нурматовлар имзолаган мазкур мақолада, унинг сарлавҳасида таъкидланган баҳси эмас, балки, «Ўзбекистон овози»даги мусоҳабанинг тафтишини кўрдим. Ахир, баҳс мазмунли, фойдали бўлсин учун унда турли, шу жумладан, муқобил фикрлар билдирилиши, назарий қарашлар илгари сурилиш керак эмасми? Бировнинг фикрини, қарашларини инкор этишнинг ўзи етарлимикин?

Биз «Адолат» СДП ни мамлакатимизда амал қилаётган ва босқичма-босқич ривожланиб бораётган демократик тизимнинг ажралмас қисми сифатида ҳурмат қиламиз ва ҳеч қачон унга нисбатан ноўрин муносабатда бўлмаганмиз. Ҳатто, ушбу партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши масъул ходимлари билан қатор тадбирларда биргаликда иштирок этганмиз. Қисқаси, ўзаро муносабатларимизда бир-биримизга ҳурмат ва ижобий рақобат устувор.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ҳар қайсиси ўз маслаги ва йўналишларига эга бўлгани билан уларда муайян муштараклик ҳам мавжуд. Ҳаттоки, уларнинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам, муаммолари ҳам ўхшаш. Шундай экан, сиёсий фаолиятимизда, бошқа партиялар билан рақобат қилаётганимизда (бу парламентчилик соҳасида бўладими ёки бошқа соҳалардами қатъи назар) ҳамиша Ватанимиз равнақини ўйлаб ҳаракат қилайлик.

■ **Шуҳрат ТЕМИРОВ, ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши биринчи котиби**

ХДП ХАБАРЛАРИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Партия Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқитувчи ва талабалари ўртасида «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» мавзуида «давра суҳбати» ташкил этилди.

Суҳбат чоғида мазкур ўқув юрти проректори Х.Файзиев, Тошкент юридик институти ўқитувчиси С.Ниёзова, ХДП Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби У.Шойимқулов ва туман бош имом-хатиби А.Ҳайдаровларнинг маъруза ва чиқишларида гиёҳвандлик асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири, унга қарши ёшларнинг ўзлари курашаётганлиги таҳсинга лойиқлиги, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги тўғрисида сўз юритилди.

Шаҳрихон туман партия кенгаши, туман хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда, «Ривож» фирмаси ишчи-хизматчиларининг вилоят ижодкор аёллари билан учрашувини ташкил этдилар. Мулоқотда шоиралар тадбир қатнашчиларининг саволларига жавоблар қайтардилар, ўз ижодларидан намуналарни уларнинг эътиборига ҳавола қилдилар.

ХДП Хўжаобод туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги қурилиш коллежи ўқитувчи ва талаба ёшлари ўртасида, ХДПнинг 11 йиллигига бағишланган, «Халқ демократик партияси — ислоҳотчилар, бунёдкорлар партияси» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Суҳбат давомида мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби О. Бўрибоева партиянинг эътиқоди бут, заҳматкаш, ватанпарвар аъзолари мамлакатимиздаги туб ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, Ўзбекистонимизнинг қудратли, демократик давлатга айланишини жадаллаштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Норин туманидаги «Оқ олтин» ва «Бўстон» ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг котиблари Дилором Ҳалилова ҳамда Зоҳиджон Ғафуровлар ўз атрофларига зиёлилардан иборат тарғиботчиларни бириктириб, дала шийпонларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга йўналтирилган устувор вазифалар юзасидан тушунтириш ишларини бошлаб юбордилар.

Ангрен шаҳар партия кенгаши «Ёшлик» маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва уни ҳаётга татбиқ этиш амалиётига бағишланган «Она тилим — жони дилим» деб аталган маданий-маърифий тадбир ўтказди. Тадбирда маҳалла аҳли, 13 ва 14-мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар. Йиғилганлар олдида ХДП Ангрен шаҳар кенгаши биринчи котиби Б.Йўлдошев, халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашидаги партия депутатлар гуруҳининг раиси Ф.Ханаев сўзга чиқдилар. Тадбир ниҳоясида ўзбек тили билимдонлари ўртасида викторина ўтказилди ва ғолибларга мукофотлар топширилди.

МИЖОЗГА МАДАД —

Мамлакат иқтисодиёти ривожига сезиларли улуш қўшаётган республика банк тизимида ўзининг муносиб ўрнини топиб, хизмат кўрсатишнинг юқори даражалари сари интилаётган акциядорлик-тижорат «Пахта банк» — йирик молиявий барқарор институтлардан бири. Ҳолбуки, бундан бир неча йил аввал, ихтисослашган акциядорлик «Пахта банк»нинг акцияларини сотиб олган харидорлар орасида: «Банк касодга учрамасмикин, тўлаб қўйган пулимизга қуйиб қолмаймизми?» деб хавотирга тушган мижозлар ҳам бўларди. Лекин хавотирга ўрин қолмади. Аксинча, акциядорлар мўмайгина дивиденд олиб туришди. Уларнинг кўплари айни мана шу акцияларнинг фоизлари шарофати билан молиявий инқироздан қутулиб қолдилар.

Келинг, «Пахта банк»нинг биргина Наманган вилоят бошқармаси фаолиятига назар ташлайлик. Бошқарма вилоят банклари орасида нуфузли жамоалардан. Банк илгарилари ҳисоб варақлари очиш ва уни юритиш, иш варақлари бўйича ҳисоб-китоблар олиб бориш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ҳамда ўз маблағлари ёки жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш билан шуғулланарди. Бугунги кунда эса хизмат кўрсатишнинг энг замонавий усуллари жорий этилмоқда. Жумладан, халқаро банк амалиётида кенг қўлланиладиган лизинг, факторинг, депозитар сингари фаолиятлар амалга оширилмоқдаки, улар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмларига айланиб қолди.

Дарвоқе, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, унга қулай шарт-шароитлар яратиш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий ҳамда молиявий тизимларни ташкил этиш вазифалари бугунги кунда ғоят муҳим ўрин тутади. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесга кредит ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳам давлат аҳамиятига молик даражадаги иш бўлиб, уни мижозлар билан ишлашда беқиёс тажрибага эга «Пахта банк» тадбиркорлари муваффақиятли адо этмоқдалар. Бошқача айтганда, банк ўз мижозларига ишончли шерик ва яқин кўмақдош бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда вилоятда «Пахта банк»нинг 13 та бўлими фаолият юритмоқда. Мижозлар сони эса 6290 дан зиёд. Уларнинг 3463 таси (55 фоиздан ортиғи)ни кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этади. Банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан муносабатини янада чуқурлаштириш ва улар фаолиятига яқиндан ёрдам бериш мақсадида бошқармада махсус кредитлаш бўлими ташкил этилган. Мазкур бўлим тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит ресурсларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш ва бу ҳақда банк кредит қўмитасига ўз таклифини бериш билан шуғулланади.

Тадбиркорларга хизмат кўрсатишда учраб турадиган муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини белгилашда ҳам банкнинг аҳамияти беқиёс. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредитлаш бўйича зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, вилоят ҳудудида тадбиркорлар билан семинарлар ўтказиш ва уларга юқсак савияли банк хизмати кўрсатишни таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

Тадбиркорларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахта банк»нинг ҳар бир бўлимида тадбиркорлик бурчаклари ташкил қилинган. Бу ерда тадбиркорлар ўзларига керакли маълумотларни олишлари, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан танишишлари ҳамда ўз ишларини яхшилаш юзасидан малакали мутахассислар томонидан бериладиган тавсияларга эга бўлишлари мумкин.

Мижозлар билан банк ўртасидаги муносабатни янада такомиллаштириш мақсадида бўлимларда «ишонч телефонлари» ўрнатилган. Тадбиркорлар хоҳлаган вақтларида ўзларини қизиқтирган саволларга мазкур телефонларда қўнғироқ орқали етарли жавоб олмоқдалар.

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Наманган вилоят бошқармаси жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоят иқтисодиётида ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида, иқтисодиётнинг реал секторига жами 3 миллиард 351 миллион сўм қисқа муддатли кредитлар ва 738,5 миллион сўм факторинг маблағларини вилоятдаги барча хўжалик юритувчи субъектларга йўналтирди.

2002 йилда етиштирилаётган пахта ва ғалла ҳосили учун агротехника тадбирларини ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган ишларни вақтида амалга ошириш мумкин.

«ПАХТА — 2002»

РЕЖА БАЖАРИЛДИ, ТЕРИМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Катта карвонлардан бири манзилга етди — 420 минг тонна Қашқадарё пахтаси мамлакат хирмонига тўкилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биргина жейновликлар эмас, минглаб, юз минглаб қашқадарёликлар бугунги кунда ўзларининг баракали ҳаёт мазмунини ана шундай фидокорона меҳнатлари ва ундан келган даромадларида кўришмоқда. Пахтакорларга бу йил теримда 230 минг нафардан ошиқ ҳашарчилар ҳамкор бўлгани ҳам шундан.

Таъбир жоиз бўлса, вилоят хўжаликларида бу йил табиат ва инсон ўртасида одилона «келишув» вужудга келди: ер, сув ва муҳитни асраш, ундан оқилона фойдаланиш барчанинг бирдек мақсадига айланди. Мелиорацияга эътибор кучайди. «Миришкор», Қарши магистрал каналлари таъмирланди. «Сечанкўл» коллектори қайта ишга тушди. Чўл туманларида шўрланишнинг олди олинди. «Олтин тола» ассоциацияси таркибида 10 та элита уруғчилик хўжалиги тузилди...

Ана шундай кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари эвазига бу йил 170 минг гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилинди. Бунинг 117 минг гектарига пахтанинг «Бухоро-6» нави уруғи қадалди. «С-65-30», «С-65-24», «Қарши-8» навлари синовдан муваффақиятли ўтди. Олинган сифатли хомашёни саноатчилар 2 фоиз устама билан қабул қила бошлашди. Натижа салмоқли бўлди: ўтган йили тола ажратиш режаси 33,9 фоиз ўрнига 34,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил 35 фоиздан ошмоқда. Ёки 2001 йилда олинган толанинг 98,6 фоизи экспорт қилинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 100 фоиздан ошади. Вилоятда икки йиллик — 54 минг тонна уруғлик чигит тайёрлаш режаси амалга ошгани, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Йиғим-теримда Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари пешқадамлар safida бўлишди. Қурғоқчиликдан қақраб келган Чироқчи тумани далаларида ҳам бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Касби ва Косон туманларининг улуши 62,57 минг тоннадан ошди.

Қаршидаги Я.Омонов номли, Ю.Хушвақтов номли, «Ипак йўли», «Бешкент», «Истиқбол», Шаҳрисабздаги У.Иброҳимов номли ва «Китоб» ширкат хўжаликлари эришган ютуқлар айниқса салмоқли бўлди.

Касби туманидаги А. Навоий номли хўжалик пудратчиси Э.Чориев, Косон туманидан фермер Р. Эшқулов ва бошқа ўнлаб моҳир деҳқонлар ҳосилдорликни 55-60 центнергача етказдилар.

...Хуллас, Қашқа воҳасининг катта карвони маррада! Режа бажарилди. Терим эса давом этмоқда.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«МЕН... ЕТТИНЧИ

«СУПЕР» ФИРИБГАР ТУЗОҒИГА ИЛИНИБ

... Сурхон воҳасининг шимолий ҳудудларига бир шарпа оралади... У мана-ман деган айрим раҳбарларни ҳам талвасага тушириб қўйди. Ҳар куни текшир-текшир, дўқ-пўписа... Кимнингдир яқин кунларда қамалиши ёки кимнингдир ишдан кетиши «ҳал» бўла бошлади. Юқори мансабга «кўтариладиганлар» ҳам топилди. Халқ орасида уни «тепа»дан махсус топшириқлар билан келган, катта ҳуқуққа эга, ўта «нозик» одам деган гап-сўзлар қўпайгандан-кўпайиб борди. Ўзини «юқори» идораларнинг 7-бўлимиданман, деб таништирган бу фирибгарнинг тузоғига илинганлар оз эмасди. Унинг катта гапиришлари, ғўдайиб юришлари, казо-казоларнинг номларини рўкач қилишлари унча-мунча одамни шошириб қўяди.

Инсон боласи шайтон қутқусига учрамасин экан. Унга гирифтор бўлган киши нопок йўллар ва жирканч ишлар гирдобига ғарқ бўларкан. Жарқўрғонлик Ҳамид Расулов *(тергов ишлари манфаати нуқтаи назаридан исми-шарифи ўзгартирилди. А.Х.)* ҳам ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди.

Алқисса, шайтон йўлдан урган Ҳамидбой шу йилнинг 1 октябрида Жарқўрғондан Деновга йўл олади. У тумандаги Саминжон Отабоев номли ширкат хўжалигига бориб, Тўлқин Қобилов хонадони эшигини қоқди. Уй эгаси Тошкентга кетганлигини у биларди. Тўлқин Қобиловнинг акаси Шойим Қобилов меҳмонни уйига таклиф қилди.

«Меҳмон» «юқори»да 7-бўлимда ишлашини айтиб, ўзини Улуғбек деб таништирди. Тўкин дастурхон атрофида Тўлқин Қобилов билан таниш эканлигини устомонлик билан қистириб ўтди. Сурхондарёга махсус топшириқлар билан келгани-ю, чегара ҳудудлари, йирик корхона ва ташкилотларни текширишини ҳам таъкидлади. «Нуфузли меҳмон» учун барча шароитлар яратилди. Унга ҳайдовчи ва машина ажратилди. Қоп-қоп ваъдаларни эшитган Шойим Қобилов «қўли узун» меҳмондан агар имкони бўлса, талаба набираси Хуршид Қобилов учун 474 минг 600 сўм шартнома пулини ўтказиб беришда ёрдам кўрсатишини илтимос қилди. Бугун-эрта маблағ ҳал бўлишини эшитган мезбон хурсанд бўлиб кетди. Меҳмонга ҳамдусанолар ўқилди.

Лекин «меҳмон» шу галги «командировка»дан уйига қайтмаслигини билмас эди.

— «... Шу куниёқ Денов нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари хонадонига бордим, — дейди Ҳамид Расулов ўз кўрсатмасида. — У киши ишда эканлар. Корхонага йўл олдик. Ўзимни «...нинг» 7-бўлимида ишлайман, деб таништирдим. Воҳага махсус топшириқлар билан келганимни айтдим. Зудлик билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига 474 минг 600 сўм маблағ ўтказиб беришини сўрадим. Афсуски, у бунга рози бўлмади...

Кейин шу куниёқ «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев билан таништирдим...»

— ...Ростини айтсам, бу текширувчига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим, — дейди Аҳмад Нарзуллаев. — У дабдурустдан мендан 20 минг сўм сўради. Пулни олгач, шартномага маблағ ўтказиб бериш ҳақида қайта-қайта топшириқ берди. Сабр қилишини илтимос қилди. Устига-устак унинг мушугини ҳеч ким «пишт» деёлмаяпти. Ширин хаёллар оғушида парвоз қилаётган Ҳамид Расулов Шўрчи сафарига отланди.

« — 2 октябрь куни соат 10 лар чамаси филиалимизга бир йигит келди, — дейди Шўрчи нефть маҳсулотлари корхонасининг Олтинсой филиали бош оператори Алишер Хушбоқов. — Ўзини «Улуғбек» деб таништирди. Ҳужжат сўраш хаёлимга ҳам келгани йўқ. «Махсус топшириқ билан...» вилоятдаги ташкилотларни текширяётган экан... Чамаси, 15 дақиқалар қабулимда бўлди. Нефть соҳасини пухта билар экан. Менга маслаҳатлар берди. Бир неча кун вилоятда бўлишини айтиб, 29-377 телефон рақамини ҳам қолдирди.

БАНК ВА МИЖОЗ

ИШОНЧ ВА РАҒБАТ

«Пахта-банк» Наманган вилоят бошқармасида аҳолига юксак савиядаги банк хизмати кўрсатиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда

мақсадида машина-трактор паркларига эҳтиёт қисмлар сотиб олишга 46,0 миллион сўм кредит ва 298,0 миллион сўм факторинг маблағлари берилди. Агрокимётаъминот корхоналарига минерал ўғит сотиб олиш учун 10,0 миллион, эҳтиёт қисмлар харид қилишга 13,0 миллион сўм кредит, 163,8 миллион сўм факторинг маблағи ажратилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига керакли минерал ўғит учун 362 миллион, эҳтиёт қисмларга 37,0 миллион, зарур техник спирт учун 10,0 миллион сўм қисқа муддатли кредитлар берилди.

Савдо корхоналарига ишлаб чиқаришни бир маромда амалга ошириш учун 1080,0 миллион сўм, туман бош пиллахоналарига 2002 йилда етиштирилган пилла ҳосили бўнак маблағларини тўлашга 310,0 миллион сўм йўналтирилди. «Пахтасаноатсотиш» корхоналарига ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш ва экспорт режа топшириқларини бажариш учун эса 364,0 миллион, вилоят газ корхонасига газ ўлчагич асбоблари сотиб олишга 20,0 миллион сўм берилди. «Қишлоқичимликсув» таъминоти тегишли қувур сотиб олиши учун 5 миллион, транспорт корхоналарига эҳтиёт қисмлар учун 100,0 миллион, иш ҳақига 26 миллион, Мингбулоқ нефть корхонасига 148,0 миллион ажратилди.

Шунингдек, вилоятдаги қурилиш ташкилотлари касб-ҳунар коллежларини вақтида тиклашлари учун 102,0 миллион, сув иншоотларини асбоб-ускуналар билан таъминлашга ва янги ерларни ўзлаштиришга 101,0 миллион, Қамчиқ довонидаги ишларга қурилиш материаллари сотиб олишга 40,0 миллион, таълим кредитига 29,2 миллион ва бошқа соҳаларга 540,0 миллион сўм банк ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш уддасидан чиқа олди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари орқали ажратилаётган маблағлар ҳам банк кредит портфелида салмоқли ўринни эгалламоқда. Жумладан, 2002 йил 1 сентябрь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 4023,1 миллион сўмни ташкил этган бўлса, унинг 1288,1 миллион сўми (32 фоизи) кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

— Банкимизнинг Тошбулоқ бўлими мижози — «Ифода» хусусий фирмаси бугунги кунда банкдан олган 10 миллион сўм кредит маблағига ёнилғи қуйиш шаҳобчаси барпо этиб, халқимизга сифатли хизмат кўрсатмоқда, — дейди бошқарма раҳбари Маҳамадали Ниёзов. — Бунинг эвазига қўшимча 15 та иш ўрни яратилди. Поп бўлими мижозлари — «Ганж» фермер хўжалиги ва А.Яссавий фермер хўжаликлари эса банк кредити ҳисобига қишлоқ хўжалик техникалари, трактор ва унга эҳтиёт қисмлари сотиб олиб 15 та янги иш ўринлари очди. Чуст бўлими мижози «Исом полвон» фермер хўжалиги ҳам кредит ҳисобига трактор сотиб олди. Банк жараёнлари бўлими мижози «Улуғ-Б» фирмаси банкдан олган 6 миллион 800 минг сўмлик кредити ҳисобига ёғоч материалларини қайта ишлаш ҳисобига қўшимча 5 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлди. Косонсой бўлимида «SH.B.S» хусусий фирмаси 10 миллион сўм кредит ҳисобига сифатли тивитли сочиқ ишлаб чиқариб, 12 та ишчи ўринлари яратди. Бундай мисолларни «R-НУР», «Мирҳаёт» хусусий фирмалари, «Сўфизодалар», «Оргунбой ота» фермер хўжаликлари ва бошқа кўплаб тадбиркорлар тўғрисида айтиб ўтиш мумкин.

Айни кунларда вилоят далаларида долзарб палла — йил бўйи пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва уни давлат қабул пунктларига топшириш айни авжида. Табиийки, «Пахта банк» Наманган вилоят бўлими ходимларининг ҳам масъулияти ошган: зиммаларига йиғим-терим мавсумини молиявий жиҳатдан тўла таъминлаш вазифаси юкланган.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

БЎЛАЖАК ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

— Билим масканимиз лицей мақомини олганига 7 йил бўлди. Ҳозир маиший хизмат касб-ҳунар коллежи деб аталади, — дейди тажрибали педагог Ражаб Нодиров. — Таъмирлаш ва қайта қурилиш ишлари амалга оширилган. Бунинг учун 255 миллион сўм сарфланди. 78 миллион сўмлик ўқув мебели ва юмшоқ жиҳозлар олиниб, ўқув ҳамда фан хоналари жаҳон андозаларига мос жиҳозланди.

Яна Жанубий Кореядан 76 миллион сўмга компьютер, ўқув асбоб-ускуналари келтирилди. Осиё тараққиёт банки кўмагида ўқитиш самарадорлигини оширишга эътибор бераяпмиз. Ҳозир 500 нафарга яқин талаба саккиз йўналишда касб сирларини ўрганмоқда.

Қишки спорт зали ва ўйингоҳ йигит-қизлар ихтиёрида. 40 та замонавий компьютер бор. Коллежни бултур 217 нафар мутахассис битирди.

Беш минг нусхали китоб фондига эга бўлган кутубхона эшиги ҳамиша очиқ. Бугун Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлган киши бу ерда таҳсил олаётган ёшлар эртага соҳанинг маҳоратли мутахассислари бўлиб етишишларига ишонч ҳосил қилади.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИЗНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАМИЗ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган республикамиз Конституцияси муқаддимасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат олижаноб мақсад эълон қилинди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта бу мақсад Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги Конституция қабул қилинишига иккита омил сабаб бўлди. Биринчиси, Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги бўлса, иккинчиси жамиятимизнинг бозор муносабатлари томон тутган йўлидир.

Шу ерда бир нарсани таъкидлаш зарур. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Тожикистон ва бошқа давлатлар ўз конституциясини биздан кейин қабул қилишди.

Конституциямиз жаҳон ҳамжамиятининг илғор, етакчи ғоялари ва принципларини ўзида акс эттирган. У нафақат ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг зўр ютуқларини, замонавий конституциячиликнинг жаҳон миқёсида тўпланган тажрибасини, балки қадимги Сўғдиёнадан бошлаб, то қонун устунлиги таъминланган, фуқаролар жамияти тамойиллари қарор топа бошлаган Амир Темур ва Темурийлар давригача бўлган ўзбек давлатчилиги ривожининг бой тарихий тажрибасини ўзига сингдирган. Жумладан, Шарқдаги дастлабки қонун тўпламларидан бири бўлмиш «Темур тузуклари»да давлат арбобларидан олижаноблик, кенг тафаккур, мурувватлилик, фаҳм-фаросатлилик, фуқаролар билан муомала қила олишлик, сабр-тоқатлилик ва муросаю-мадора каби фазилатларга эга бўлишлик талаб қилинган. «Темур тузуклари»даги бундай қоида соҳибқирон Амир Темурнинг давлат тузумида ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш қонун-қоидалари, ижтимоий тотувлик ҳамда тинчликка эришиш йўлларини қўллашга қанчалик амал қилганидан далолат беради. Асосий Қонунда икки дарё оралиғида яшовчи одамларнинг энг яхши анъаналари ва фазилатлари чинакам ифодасини топган, унда халқнинг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқарилган ёрқин истиқбол, демократия, эркинлик, фаровонлик ва ҳақиқий истиқлол сари нурафшон йўл очилган.

1

Конституциянинг биринчи моддаси «Ўзбекистон — суверен демократик Республика», деган сўзлар билан бошланади. «Суверенитет» сўзи давлатнинг ички ва ташқи ишларидаги мустақиллигини, тўла ҳокимлик ҳуқуқига эгалигини билдиради.

Мустақиллик республикамиз Президенти таърифлаганидек, «улуғ ҳуқуқга эга бўлиш» демакдир. «Мустақиллик бизга нима берди?» деган саволга Юртбошимиз: **«Авваламбор, Оллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий минерал-хомашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги, манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик»,** деб жавоб берадилар.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизни бутун дунё тан олди ва таниди. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Чунки, республикамиз дунёдаги барча давлатлар билан тенг, куч ишлатмаслик, ҳар хил низолар пайдо бўлганда тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик қоидаларига қатъий амал қилиб келмоқда.

Суверен давлатимиз ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишига, давлат чегарасига, Президентига, ўз давлат тилига, байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Конституцияга мувофиқ бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Мана ўн йилдирки, Ўзбекистон Конституцияси ҳаёт синовидан ўтмоқда. Конституция жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратди, у инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни кафолатлаб келмоқда. У Ватанимизнинг хавфсизлигини ва жамиятимизда барқарорликни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Шундай экан, уни билиш, чуқур идрок этиш, унга амал қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эминэркин ифода қилишида, ўз ҳак-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришда бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилишини билиши даркор.

Конституция ҳақида, унинг миллий давлатчилигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида аниқ бир фикрга эга бўлиш учун уни тавсифловчи жиҳатларни тасаввур этиш лозим бўлади.

2

Бизнинг фикримизча, Конституциямиз энг аввало, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, ушбу вазифаларни тўла амалга ошириш имкониятини яратади. Қолаверса, унинг нормаларидан ҳаётда бевосита ва асосли равишда фойдаланиш мумкин. Конституциянинг қоидалари барчамизни бирдек қонунларга итоат этишимизни таъминлайди; қонунчиликни ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини равшанлаштиради, бу эса ўз навбатида сиёсий-иқтисодий вазиятга мос бўлган, тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга имкон беради; Асосий Қонун нафақат ҳуқуқий йўллар билан, балки кўп фикрлилик ва муросага келиш орқали жамиятимиз барқарорлигини таъминлайди. Унинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашга даъвати кучли бўлиб, жамият аъзоларини мақсад сари бирлаштиради. Ва ниҳоят, асосийси, Ўзбекистон Конституцияси энг инсонпарвар Конституциядир, унда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилиниб-гина қолмай, улар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши таъкидланган.

Фуқаролар билан давлат муносабатларининг юридик меъёрларда ифодаланиши ҳуқуқий давлатнинг ўта муҳим ва ҳал қилувчи белгисидир. Чунки, бунда гап фуқаролар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ, бурч алоқалари ҳақида бораётир. Бу алоқаларнинг доираси ва ҳажмини ҳуқуқда белгилашда давлатнинг роли катта, албатта. Бироқ, улар халқ хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиқиши сабабли демократик табиатга эга. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиши ва оғишмай амалга оширилиши жамият томонидан уларга юкланган вазифаларни яхши адо этишга ҳам кўмаклашади.

Улар қаторига мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкораликни таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга жорий қилиш, жамиятни эркинлаштириш, унинг ҳаётида сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, маънавият ва маърифат йўналишида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш вазифаси киради.

Кўриниб турганидек, сизу бизнинг ҳаёт кечиришимизни таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, юртимиз тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган Конституцияга асосланган ислоҳотлар дадил ва собитқадамлик билан давом эттирилмоқда. Шундай экан, ҳар биримиз Бош Қомусимизга лойиқ бўлсак, уни билсак, чуқур идрок этсак ҳамда унга амал қилсак, белгиланган мақсадларга эришишимиз, Ўзбекистонимиз эса келажакда буюк давлат бўлиши муқаррардир.

■ **Музаффар ТОЖИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти**

3

XORIJDA

ЭЛЧИЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ЧАҚИРИЛДИ

Ироқнинг чет эллардаги барча элчиларига ўз фарзандларини Ироққа қайтариб жўнатиш ҳақида Саддам Ҳусайн буйруқ берди.

АҚШ махсус хизмати таҳлилшуносларининг таъкидлашларича, Ироққа нисбатан халқаро муносабатларнинг ўзгарганлиги боис турли нохушликларнинг олдини олиш мақсадида мамлакат президенти шундай қарорни қабул қилишга мажбур бўлган.

Бундан ташқари ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Ироқда фаолият юритаётган хорижий журналистлар шу ҳафта ичида мамлакатдан чиқиб кетишлари таклиф этилган. Ироқ ҳукуматининг бу таклифи хорижий оммавий ахборот воситаларининг барча вакилларига, фото ва тележурналистларга, шунингдек, техник мутахассис-ходимларга ҳам таллуқлидир. Ироқ ахборот вазирлигининг баёнот беришича, кўпсонли хорижий журналистларнинг бехавотир ишлашларига мамлакатда имконият яратиб бериш мушкул. Бироқ шундай бўлса-да, араб давлатлари журналистларига истисно тариқасида мамлакатда қолишга рухсат берилди, дейилади араб матбуоти хабарларида.

Мамлакатдан чиқиб кетиш биринчи галда АҚШ, Буюк Британия ва унга иттифоқчи давлатларнинг журналистларига таклиф этилди.

«MERCEDES» БИЛАН БЕЛЛАШАДИ

BMW компанияси келгуси йил январдан янги русумдаги «BMW 7-Series» автомобилини сотувга чиқаради. Бу машинанинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга 12 цилиндрли двигатель ўрнатилган бўлиб, 445 от кучига эга. У «Mercedes S-Class» русумидаги автомобиллар билан бемалол беллаша олади, дейишмоқда компания мутахассислари. Шунинг учун ҳам янги автомашинанинг нархи 110000 евродан юқори қилиб белгиланди.

БУГУНГИ БУДАПЕШТ



АРСЕНЬЕВДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Приморье ўлкасидаги Арсеньев шаҳрида кучли қор ёғиши муносабати билан бу ерда фавқулодда ҳолат жорий қилинди. Кучли шамол ва қор ёғиши оқибатида 40 та аҳоли пункти электрсиз қолди. Бундан ташқари шаҳар телеминорасининг электр таъминотида ҳам узилиш бўлганлиги сабабли телекўрсатувлар вақтинча тўхтаб қолди. Спасск, Дальнереченск, Чугуевск ва Шкотовск туманларида кучли довул кўтарилиб, 20 та электр узатиш линиялари ишдан чиқди.

ПРЕЗИДЕНТ КОНГРЕССГА МУРОЖААТ ЭТДИ

Аргентина Президенти Эдуард Дуальде келгуси йил май ойининг бошларида истеъфога чиқиш борасидаги ўз режасини ва президентлик сайловларини муддатидан аввал ўтказилишини сўраб мамлакат Конгрессига мурожаат этди. Дуальде келгуси йил 25 майда истеъфога чиқади. Мартда эса сайловлар ўтказилади.

БОШ ВАЗИР БИЛАН УЧРАШАДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш 8 ноябрь куни Вашингтонда Венгрия Бош вазири Петер Межиесси билан учрашади. Музокараларда терроризмга қарши кураш ва Прагада ўтадиган НАТО саммити масалаларига алоҳида урғу берилади. Бу ҳақда Оқ уйнинг матбуот котиби хабар тарқатди. «Венгрия АҚШнинг яхши дўсти ва иттифоқчисидир, шунингдек, терроризмга қарши олиб бориладиган глобал курашларда кучли иштирокчи ҳам», дейилади матбуот хизматининг баёнотида.

МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

АҚШ Кубадаги Гуантанамо лагерида сақланаётган 598 нафар маҳбусдан бир нечасини озодликка чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда, дейилади АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд берган баёнотда. Аммо вазир бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтирмади. Негаки, унинг айтишича, озодликка чиқариладиганлар зарур ахборот манбаларига эга бўлмаган маҳбуслардир. Шунинг учун уларга нисбатан айбловлар эълон қилинмайди. Мудофаа вазирлигининг хабарида яна шу нарса таъкидландики, яқин кунларда озод қилинадиган маҳбуслар орасида покистонликлар ҳам бор.

ВО АЖАБО!

БЎЛИМДАНМАН...»

ЧУВ ТУШГАН АЙРИМ РАҲБАРЛАР ХУСУСИДА

Орадан бир кун ўтиб — 4 октябрда у яна пайдо бўлди. «Тўполон» сув омборини текширгани бориш учун бензин сўради. Ҳозирча ёнилғи йўқлигини айтиб, беш минг сўм пул бердим...»

Бензинда ҳикмат кўп бўлар экан-да, деган ўйга борган Ҳамид Расулов Шўрчи нефть маҳсулотлари корхонасига бош суқди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек унинг директори Абдурауф Саломовга ҳам ўзини юқори лавозимдаги шахс сифатида таништирди. Термиз давлат университети талабаси Анвар Мирзаевга 355 минг 400 сўм пул ўтказиб бериши лозимлигини уқтирди. Рад жавобини берган раҳбар меҳмондан ҳужжат талаб қилди. Устига-устак, А.Саломовнинг «юқори»га қўнғироқ қиламан» деган гапини эшитгач, текширувчи ими-жимида жуфтакни ростлади...

Деновликларнинг ҳотамтойлиги-ю, ўта меҳмоннавозлигига қойил қолган Расулов яна ортга — Деновга қайтди. 5 октябрь куни у 13-АЁҚШга ташриф буюради. 30 литр бензин олган «ҳайдовчи»дан оператор Абдуқодир Муродов ҳужжат сўради. Бундан дарғазаб бўлган «текширувчи» машинадан ирғиб тушиб: — «Мен «юқори»да 7-бўлимда ишлайман. Ҳужжатни сенлардан сўрашим керак!» — деган дўқ-пўписалар билан оператор хонасида тинтув ўтказди. 50 минг сўм пул бермасанг қаматаман, дея зуғум қилди.

— Тунги соат 23 ларда Улуғбек уйимизга ҳам келди, — дейди оператор Абдуқодир Муродов. — Шаҳобчада бензин ҳужжат асосида берилиши, қолаверса, бунча маблағим йўқлигини айтганимдан сўнг у қайтиб кетди...

Шўрчи туманидаги «Олтин хирмон» масъулияти чекланган жамият раиси ўринбосари Зиёдулло Эрмўминовнинг сўзларига ҳам қулоқ тутинг: «Нотаниш киши «Тико»дан тушишни ҳам истамай мени имлаб чақирди.

Олдига келдим. Жудаям «юқори»дан экан. — «Исмим Улуғбек, 7-бўлим... да ишлайман» — деди. Раисни сўради. У киши йўқ эдилар. Топиш ҳақида буйруқ берди: иши фақат катта билан ҳал бўлар эмиш. Раҳбар келавермагач, яна учрашишини айтиб, жўнаб кетди. «Тико» «Дунё дон» масъулияти чекланган жамиятга тегишли эканлигини билиб, дарҳол Деновга қўнғироқ қилдим. Жамият раиси Дамин Жўраев ҳам бу киши «юқори»дан эканлигини билдирди. Улуғбек яна икки марта раисимизни излаб келди. Учрашганми, йўқми буни худо билади...

... Турли идораларга кириб ўзини юқори лавозимли текширувчи сифатида таништирган бу товламачи ўз «фаолияти»ни қачон бошлагани, жами қанча одамни чув туширгани терговда аниқланади, албатта.

— Бизга ушбу шубҳали текширувчи ҳақида хабар келиши биланоқ уни зудлик билан қўлга олдик, — дейди Денов туман ички ишлар бўлимининг тезкор вакили Абдунаби Эшқобилов. — Жарқўрғон туманидан бўлган 28 ёшли бу фирибгар бор-йўғи ўрта маълумотга эга экан. Асли касби сотувчи бўлган сохта текширувчи тузоғига туппа-тузук, тажрибали айрим раҳбарлар ҳам илинганидан ҳайрон қоласан киши. Ахир текширув ўтказиш тўғрисида қонун-қоидалар бор-ку?..

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: Ҳамид Расулов қаерга бормасин, ўзини юқори лавозимларда ишлаётган кишиларнинг фарзандиман, деб ҳам таништирди. Улар номидан иш юритди...

... Шу кунларда воҳа узра кутилмаган яна бир гап ўралади: қўлга тушган бу фирибгар «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятида ҳам бўлган экан... Фалон жойдан пул, «пистон» жойдан бензин, кимдандир совға-салом... Хуллас, ҳар хил гаплар, миш-мишлар... Қаерда, қачон, нима бўлганлигини қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари аниқлашлари табиий, албатта.

Аммо одамни барибир бир нарса ўйга толдиради: нега бунчалик соддамиз, нега текширувчи келса шошиб қоламиз? Нега «кечирасиз, ҳужжатингизни кўрсак бўладими?» деган саволни беришга журъат қила олмаймиз? Адлия вазирлиги томонидан йўлга қўйилган «текширувчи дафтари» кучидан нега фойдаланмаймиз? Қачон қонун-қоида доирасида ҳаракат қилишга ўрганамиз?..

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФУТБОЛ

ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу кунларда Қатарда ўтаётган Х Осиё чемпионатида муваффақиятли тўп сурмоқда. Гуруҳ учрашувларини кўтаринки руҳда якунлаган ҳамюртларимиз чорак финалда суриялик ёшларга қарши майдонга чиқишди. Ўйин футболчиларимизнинг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан тугади — 4:0. Тўпларни Нодир Кўзибоев, Владимир Аникин, Мансур Саидов, Илёс Зейтуллаевлар киритди.

Чорак финалнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: Япония — БАА — 3:0, Жанубий Корея — Ҳиндистон — 7:0, Саудия Арабистони — Хитой — 4:1.

Энди вакилларимиз қуръага кўра, бугун финалга йўлланма берувчи учрашувда япониялик ёшлар билан баҳс юритишади. Ярим финалнинг иккинчи ўйини эса Жанубий Корея ва Саудия Арабистони футболчилари ўртасида ўтади.

Қитъа чемпионатининг финал учрашуви 31 октябрда ўтказилади. Мусобақанинг тўрт кучли жамоаси келгуси йили Саудия Арабистонида бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

ОЛИЙ ЛИГАНИ КИМ ТАРК ЭТАДИ?

Мамлакат чемпионати тугашига саноқли турлар қолганда баҳслар янада қизғин тус олди. «Пахтакор» чемпионликка ягона даъвогар эканлиги барчага аён. Аммо қолган совринли икки ўрин учун бир йўла уч — «Нефтчи», «Насаф», «Қизилқум» жамоалари кураш олиб бормоқда. Шунингдек, сўнгги тур натижаларига қараб олий лигани бу йил қайси жамоа тарк этишини ҳам олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Агар эътибор қилинса, чемпионатдаги саккиз жамоадан олтитасини фақат барқарор ва ҳужумкор ўйинларгина омадсизликдан қутқариб қолади.

Ўтган шанба куни ниҳоясига етган 25-тур натижалари билан танишинг: «Кўқон-1912» — «Трактор» — 2:1, «Зарафшон» — «Самарқанд-Д» —2:1, «Суғдиёна» — «Бухоро» — 1:0, «Насаф» — «Машъал» — 2:0, «Дўстлик» — «Навбаҳор» — 0:1, «Нефтчи» — «Металлург» — 2:0, «Сурхон» — «Андижон» — 3:1. Ушбу турнинг «Қизилқум» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви 7 ноябрга кўчирилди.

25-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Пахтакор	23	21	1	1	74-11	64
Нефтчи	26	19	3	4	67-25	60
Насаф	25	17	2	6	54-28	53
Қизилқум	24	16	3	5	57-26	51
Металлург	25	11	6	8	35-32	39
Навбаҳор	25	12	3	10	44-33	39
Бухоро	25	12	3	10	34-44	39
Дўстлик	25	10	1	14	30-37	31
Андижон	25	8	4	13	33-50	28
Сурхон	26	8	3	15	32-47	27
Самарқанд-Д	25	8	3	13	22-39	27
Суғдиёна	25	7	4	14	25-45	25
Зарафшон	25	7	3	15	30-43	24
Кўқон-1912	25	7	2	16	24-52	23
Трактор	25	6	4	14	26-51	22
Машъал	24	5	5	14	26-50	20

БОКС

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ:

«РУСЛАН ЧАГАЕВНИНГ ТЎЙИГА КЕЛДИК»

Шу кунларда профессионал боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаев навбатдаги «жанг»ларга тайёргарликни Тошкентда ўтказишмоқда. Нега АҚШда эмас, Тошкентда?

— Лас-Вегасдан келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди М.Абдуллаев. — Яқинда Руслан Чагаев уйланади. Шу боис, тўйга тайёргарлик учун келгандик. Руслан иккимиз Ўзбекистонга қайтган кунимиз боксчиларимиз ҳам Пусандан Осиё ўйинларидан қайтишди. Уларни кутиб олишга мен ҳам аэропортга чиққандим. Ютуқларидан роса қувондим.



— Сиз билан Руслан Чагаев профессионал боксга ўтган чоғларингизда кўплаб мухлислар юртимиз бокси энди халқаро майдонда ўз шуҳратини йўқотади, дея хавотирланишганди. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Бундай хавотирга ўрин йўқлигини Осиё ўйинлари натижаси ҳам кўрсатди. Ўзбекистон бокс мактаби дунёда етакчи ўринларда туради. Оққан дарё оқаверади деганларидек, юртимизда иқтидорли боксчилар истаганча топилади. Масалан, терма жамоага яқиндагина қўшилган Беҳзод Хидировни олинг, у Осиё ўйинларида кумуш медаль совриндори бўлди. Келажаги порлоқ эканлигини намойиш этди. Унга ўхшаган ёшлар ҳамма вилоятларда бор.

— Муҳаммадқодир, келинг, энди профессионал боксдаги фаолиятингиз ҳақида бироз тўхталсангиз. Сиз ҳақингиздаги ҳар бир маълумот газетхонларимизни қизиқтиради.

— Навбатдаги ўнинчи «жанг»имни 5 октябрда Дейтройт шаҳрида ўтказдим. Рақибим мексикалик таниқли боксчи Жонни Лопес бўлди. Лопес бунгача профессионал рингда 21 та жанг ўтказган. У иккита учрашувда ютқазиб, 13 жангни нокаут билан ўз фойдасига ҳал қилганди. Мен ўз услубим бўйича «жанг»ни бошладим. Дастлабки дақиқасидаёқ кучли зарба билан уни йиқитдим. Биринчи раунднинг ўзида бир неча бор бу ҳол такрорланди. Дастлабки раунд тугашига тўрт сония қолганида, Лопесни нокаутга учратдим. Агар бу жанг билан илк учрашувни таққосласак, тажрибам анча ошганлигини ҳис этдим. Худо хоҳласа, яна беш-олти учрашув ўтказиб, келгуси йил охирларида олтин камар учун рингга чиқаман.

— Айни пайтда «жанг»ларни қайси вазн ва версия бўйича ўтказаяпсиз?

— Ҳозирча IBF версиясининг 63,8 кг. вазн тоифасида рингга чиқаяпман. Муваффақият қозонаверсам, яна бир йилдан кейин бошқа версияда жанг олиб бораман.

— Профессионал бокс билан шуғулланаётган бошқа ҳамюртларимиз имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Лас-Вегасда Руслан Чагаев, Кувончбек Тойғанбоевлар билан бирга машғулотларда қатнашамиз. Кувончбек ҳозиргача 21 та жанг ўтказиб, 15 рақибини нокаутга учратган. Сўнгги учрашувининг еттинчи раундида ҳам америкалик боксчини мағлуб этди. Руслан Чагаев эса ҳозиргача олти жанг ўтказиб, ҳаммасида ғалаба қозонди. У ҳам охирги жангининг учинчи раундида рақибини нокаутга учратди. Бу боксчиларимизга мураббийлар катта умид боғлашган. Профессионал боксда улар ҳали ўз сўзларини айтишади.

— Кейинги режаларингиз ҳақида тўхталсангиз?

— Яна 15-20 кундан кейин мураббийим Кенни Адамс Тошкентга келади. Биз у билан янги йилга қадар машғулотлар ўтказамиз. Сўнгра, 4-5 январларда Австралияга жўнаб кетамиз. У ерда ҳам навбатдаги «жанг»га тайёргарлик кўрилади. Ўн биринчи рейтинг учрашуви айнан Мельбурнда 2003 йил 18 январда ўтказилади. Бўлажак рақиб кимлиги ҳозирча номаълум. У ким бўлишдан қатъи назар, худо хоҳласа, навбатдаги ғалабага эришаман.

Мен юртдошларимиз биздан нималарни кутишаётганини яхши биламан. Ҳаваскорлар боксида Ўзбекистон дунёдаги энг кучли уч-тўрт мамлакатдан бири ҳисобланади. Профессионал боксда ҳам Ўзбекистон ўзига хос эътиборга эришади. Фақат озгина вақт керак.

■ **Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди**

✧✧✧

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

«ОБУНА — 2003»

ЭРКИН ФИКР МИНБАРИ



«Мулоқот» журнали ходимлари ўтган мавсумда Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах ва сирдарёликлар ҳузурида учрашувларда бўлди. Ана шу суҳбатлар журнал саҳифаларини безади.

Бугун «Мулоқот» саҳифаларида озод мамлакатимизда олиб борилаётган халқаро сиёсат, Президентимиз асарларига билдирилган муносабатлар, миллий ғоя ва мафкура, маънавият ва маърифат, ватанпарварлик мавзуларидаги мақолалар юз кўрсатмоқда.

Ўн бир йилки, истиқлол бунёдкорлигини ўзбек хонадонларига олиб кираётган «Мулоқот» бугун ўз ўқувчисининг чинакам ҳамдарди ва сирдошига айланиб қолди.

Журналда Ўзбекистоннинг энг истеъдодли файласуфлари, тарихчилари, сиёсат ва иқтисодиёт билимдонларидан тортиб, токи мактаб ўқувчисининг ҳам мақолалари эълон қилинмоқда.

«Мулоқот» 2003 йилда «Янги даврнинг илк қадамлари» (Қ.Хоназаров), «Девони Амирий» (Ҳ.Муҳаммадҳўжаев), «Тарихи муҳожирон» (Л.Муҳаммаджонова), «Аврангзеб» (Ғ.Сатимов), «Аз-Замахшарий: тараққиёт ва инқирозга элтувчи омиллар» (А.Болтаев), «Алишер Навоий ва Шайх Саъдий» (Ш.Ҳайитов) сингари мақолаларни эълон қилишни режалаштирган.

■ **Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ**

НАШРНИНГ ЯНГИ СОНИ

ТАФАККУР ЧИРОҒИ ЎЧМАГАЙ

«Гулистон» журналининг янги — тўртинчи сони босмадан чиқди. Журнални варақлаганингиз ҳамоно озодлик нима, деган саволга жавоб излангани ва масаланинг шундай қўйилиши жуда ҳам тўғри эканлигига амин бўласиз. Шу билан бирга бугунги ҳаётимизнинг пешқадам вакиллари, ҳар соҳанинг фидойилари бўлган замондошларимиз суратига чизгилар, тарих ва бугунни муқояси айлаган Ойгул Сафарбой қизининг «Ниқобланган манфаат», иқтисодиётимизнинг таянчлари нимадан иборатлигига жавоб излаган академик Мурод Шарифхўжаевнинг «Тараққиёт омили» мақолалари журнал анча юқори публицистик руҳ билан суғорилганлигини кўрсатади. Адабиёт ихлосмандлари севимли ёзувчимиз Шукур Холмирзанинг «От йили» қиссасининг давомини ўқийдилар. Шунингдек, журнал ўқувчилари табиат сир-асрорлари, табобат дунёсидаги янгиликлар, севикли уй бекаларимиз учун турли хил маслаҳатлар, спорт ва санъат оламига дахлдор қизиқарли мақолаларни ўқишлари мумкин. «Гулистон»да кишини мулоҳазага ундайдиган мавзулар ҳақида тўхталсак — «Ватан ҳақидаги қўшиқ» мақоласи ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий. Очиғи, бугунги (ҳофизлар эмас) қўшиқфурушларнинг Ватан шаънини ерга урадиган даражадаги нимарсаларни қуйлаётгани мақолада имкон даражасида таҳлил қилинган. Бир гап билан айтганда, журнал ўз обуначиларининг, ўқувчиларининг кўнгли ва дидига мос келади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 29 ноябрь, 5, 12 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қўйидаги объектлар қўйилади:

1. Самарқанд вилояти, Зармитон қўрғонида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (68-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25 000,0 АҚШ доллари.
2. Самарқанд вилояти, Окдарё тумани, «Самарқанд-Бухоро» автомагистрали бўйида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (61-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 35 000,0 АҚШ доллари.
3. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, «Мирбозор» қўрғонида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (6-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 61 186,0 АҚШ доллари.
4. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги, Кўқдала қишлоғи «Қарши-Самарқанд» трассасида жойлашган 18-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (18-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 10 202,0 АҚШ доллари.
5. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Ф.Хўжаев ширкат хўжалиги Айритом қишлоғида жойлашган 19-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (19-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 12 608,0 АҚШ доллари.
6. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Кўкбулоқ ширкат хўжалиги, Ғузор қўрғони, Сочтепа қишлоғида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (32-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 18 000,0 АҚШ доллари.
7. Сирдарё вилояти, Ш.Рашидов туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (10-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 20 657,0 АҚШ доллари.
8. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Қизил Ровот қишлоғи, «Янгиариқ» кўчасида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (17-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 27 147,0 АҚШ доллари.
9. Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой шаҳрида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 28 350,0 АҚШ доллари.
10. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ шаҳрида жойлашган контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 26 691,0 АҚШ доллари.

2002 йил 7,21 ноябрь, 12,26 декабрь кунлари соат 12.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган танлов савдоларига қўйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 1-тор кўчасида жойлашган, «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш» ОАЖ балансидаги 9-сонли болалар боғчаси (кир ювиш хонаси ва ёзги ошхона биноси билан). Умумий майдони 459,3 м.кв.
Бошланғич баҳоси — 6 485 200 сўм.

Танлов савдосидан болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш;
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми;
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми;
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар;
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш;
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 7 ноябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 21 ноябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 12 декабрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 26 декабрда республика Биржалар маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Харидорлар савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдодан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

1,8,15,22 ноябрь кунлари танлов савдоларини ўтказади

САВДОГА:

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдосига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

18, 21, 23 октябрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида
3 та кўчмас мулк — 9 326 000 сўмга,
14 та автотранспорт воситаси — 1 555 000 сўмга сотилди.

Жами савдо натижалари: 10 881 000 сўм.

Ҳафтанинг ҳар душанба, сешанба, чоршанба кунлари биржа савдолари ўтказади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

OAJ «Tajriba-texnik korxonasi»

700020 г. Ташкент, ул. Уйгура 103
Раскрытие информации участника рынка ценных бумаг.
Информация о существенных фактах.
Номер сообщения 07.
По решению заседания Наблюдательного Совета ОАО «Tajriba-texnik korxonasi» от 04.10.2002 года.
Производится закрытие реестра акционеров ОАО «Tajriba-texnik korxonasi» по состоянию на 01.07.2002 г.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси Азимжон Мирғиёсович Аюповга волидаи муҳтарамаси

КУНДУЗХОН аянинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журнали ижодий жамоаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси Азимжон Аюповга волидаи муҳтарамаси

Кундузхон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.